

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика кўмитаси раиси

Б.А.Бегалов

2020 йил

Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат статистика кўмитаси деб аталади) 2020 йил 7 августдаги 88-“Ш”-сон буйруғи билан қайта ташкил этилган Давлат статистика кўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бошқарма халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув масалаларида фаолиятини Давлат статистика кўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Давлат статистика кўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика кўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.